

Reference:

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan". No. PF-4947, February 7, 2017. – Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. 2017, issue 6
2. <https://president.uz/uz/lists/view/4308>
3. <https://kun.uz/47248092>
4. Xamroev H.R. "Zonal policy: methodology, foreign experience and directions of application" Monograph, Tashkent, "Science", 2008. – 308p.
5. Rayimjanova M.A. "Attracting investments in free economic zones in Uzbekistan: theoretical foundations, current status and prospects" Monograph Tashkent, "Extremum-press", 2013. – 175p.
6. Nazarov Sh.H. "Improving the methodological framework for increasing the competitiveness of the regions of Uzbekistan" I.f.d. dissertation for an academic degree. T.: 2016.-265b.
7. Mustafaqulov Sh.I. "Improving the scientific and methodological framework for increasing the attractiveness of the investment climate in Uzbekistan" I.f.d. dissertation for an academic degree. T.: 2017. -271b.
8. Rybakov S.A. Special economic zones in Russia. Nalogovye lgoty and preimushchestva. /S.A.Rybakov, N.A.Orlova. – M.: Vershina, 2006 – 248 p.
9. Rashidov M.K. "Development of the regional economy on the basis of ensuring the activity of free economic zones" 08.00.12 – Abstract of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) in Regional Economics, Economics, T: 2021y-55b.
10. Nazarova G.G., Khalilov X.X. and others. Free Economic Zones, Textbook. T: TDIU, 2011.
11. Rajabov N. R. Scientific and methodological aspects of assessing the attractiveness of the investment environment, scientific electronic journal "Economy and Innovative Technologies". № 4, July-August, – T, 2020.
12. Rajabov N.R. International scientific-practical conference "Assessment of the effectiveness of investments in the Navoi Free Industrial and Economic Zone", "Action Strategy of the Republic of Uzbekistan: macroeconomic stability, investment activity and prospects for innovative development." – T: TSU, December 11-12, 2020.
13. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to establish Navoi region as a free economic zone for innovative, high-tech, export-oriented and import-substituting industries." PF-5719-son 15.05.2019y. <https://lex.uz/ru/docs/4339936>

КОРХОНАЛАРДА БРЕНД СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА АСОСИЙ АВФАЗАЛЛИКЛАР

Бердиев Бобур Бахтиярович –
Маркетинг кафедраси мустақил изланувчиси
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Мақолада бренд ва бренд стратегиялари ва унинг илмий назарий жихатлари ўрганилган. Бренд стратегияси бўйича муаллифлик ёндашувлари таклиф этилган. Бренд яратиш бўйича корхоналар ва манфаатдор томонлар учун ўзига хос афзалликлари аниqlangan.

Калит сўзлар: бренд, бренд стратегияси, брендинг, бренд афзалликлари, бренд тузилиши, бренд архитектураси, логотип ва ном.

Аннотация. В статье рассматриваются бренд и стратегии бренда и его научно-теоретические аспекты. Предложены авторские подходы к стратегии бренда. Брендинг выявил явные преимущества для бизнеса и заинтересованных сторон.

Ключевые слова: бренд, стратегия бренда, брендинг, преимущества бренда, структура бренда, архитектура бренда, логотип и название.

Abstract. The article examines the brand and brand strategies and its scientific theoretical aspects. Author approaches to brand strategy are proposed. Branding has identified distinct benefits for businesses and stakeholders.

Keywords: brand, brand strategy, branding, brand benefits, brand structure, brand architecture, logo and name.

Кириш

Бренд маркетинг ва унинг стратегияларининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Баъзи муаллифлар бренд стратегияларини «брэнд архитектураси» ва «брэнд тузилиши» сифатида ишлатишади. Брендинг компания ёки алоҳида маҳсулотнинг рақобатчилардан ажralиб туришига ёрдам берадиган, кўшимча қиймат яратадиган ва сотувларни узоқ муддат таъминлайдиган воситадир.¹ Бу брендингнинг асосий афзаллиги бўлиб, уни амалга оширишусуллари ва воситалари бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кўпгина олимларнинг таъкидлашича, брендинг билвосита потенциал мижозлар ўртасида компанияни, маҳсулотни идрок этишни яхшилаш орқали таъсир қиласиди ва натижада корхонанинг барча иқтисодий кўрсаткичларини яхшилади.²

Брендинг барча афзалликларини тушуниш халқаро бозорга чиқишида юқори сифатли бренд стратегиясини яратиш заруратини келтириб чиқаради. Брендинг назарияси бўйича кўплаб тадқиқот ишлари мавжуд бўлиб, улар кучли бренд стратегиясини яратиш ва фойдаланиш учун асосий асос бўлиб хизмат қиласиди.³ Бироқ, барча компанияларнинг ўз бозор фаолияти мавжуд ва улар тарли бозорларда фаолият юритишади. Шунинг учун ҳам ҳар бир соҳа ёки тармоқларнинг брендинг стратегияларига ўзига хос ёндашувни талаб қиласиди.

Хозирги кунда глобаллашув ривожланишиб, ташқи бозорларга фаол таъсир кўрсатмоқда ва глобал тенденцияларни бутун дунёга катта тезлиқда кириб келмоқда. Шунингдек, COVED-19 пандемияси ва 2022 йилдаги жаҳондаги геосиёсий вазиятларнинг кескинлашуви кўплаб мамлакатларда истеъмолни

пасайишига ва истеъмол бюджетни қисқаришини юзага чиқармоқади. Бунинг асосий сабаблари: мураккаб сиёсий вазиятлар ва нефт инқирои ва валюта бозоридаги чекловлардир. Бу нафақат ҳукуматлар, балки маҳаллий ва халқаро компаниялар учун ҳам кўплаб муаммоларни юзага чиқармоқада.

Адабиётлар таҳлили

Брендлар истеъмолчининг ҳис-туйғуларига таъсир қиласиди. Улар мижозларга ўзи билмаган ҳолдаги туйғуларни ва садоқатни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, брендлар ҳар қандай маҳсулот маркетинги учун кучли куролдир. Улар истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартириши орқали ҳар қандай соҳада ривожланишга олиб келиши мумкин. Брендлар аллақачон инсониятнинг кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айлануб бўлган. Брендни бошқариш ва бренд стратегиясини яратиш ҳар қандай корхона учун ўзига хос бўлган сирли санъатdir.

Бренд савдо ва маркетингнинг марказий устунидир ва истеъмолчилар онгидага корхона ҳақида хабардорликни ошириш ва унга содикликни таъминлаш учун тўғри бренд стратегиясидан фойдаланиш жуда муҳимдир.⁴ Шу сабабли, ҳозирги қийин иқтисодий ва сиёсий вазиятда корхоналар брендга, хусусан, кучли ва барқарор бренд яратишга катта ургу беришга ҳаракат қилишади. Шу сабабли, брендинг ва халқаро брендинг стратегияларни ишлаб чиқиш ва шулар асосида корхоналарнинг стратегик мақсадларини белгилаб олиш энг муҳим вазифлардир.

«Бренд» тушунчаси қадимдан қўлланилган бўлсада, ҳалигача илмий тадқиқотларда ушбу категория бўйича турли зиддиятли қарашлар мавжуд. Ўзбек тилида чоп этилган ил-

¹ Kapferer, J. N. (2012), The New Strategic Brand Management: Advanced Insights and Strategic Thinking, Kogan Page, London

² Rao, V., R., Agarwal, M. K., Dahlhoff D. (2003). Branding strategy and the intangible value of the firm. MSI reports, 135-157

³ Strebinger, A. (2014). Rethinking brand architecture: a study on industry, company- and product-level drivers of branding strategy. European Journal of Marketing, Vol. 48

⁴ Hennigs, N., Wiedmann, K. P., Behrens, S., Klarmann, C., Carduck, J. (2013). Brand extensions: A successful strategy in luxury fashion branding? Assessing consumers' implicit associations. Journal of Fashion Marketing and Management, 17 (4), 390-402

мий адабиётларда ва мақолаларда “брэнд”ни “ном”, “тамға”, “товар маркаси” сифатида тушунлади.

Америка Маркетинг Ассоциацияси (AMA) маълумотларига кўра, брэнд – бу «бир сотувчи ёки сотувчилар гуруҳининг товарлари ва хизматларини аниқлаш ва уларни рақобатчилардан фарқлаш учун мўлжалланган исм, атама, белги, белги ёки дизайн ёки уларнинг комбинацияси» сифатида талқин этилади.⁵ Техник жиҳатдан айтганда, сотувчи ҳар сафар янги маҳсулот учун янги ном, логотип ёки белги яратса, у брэнд яратган бўлади. Бироқ, кўплаб амалиётчи менежерлар брэндни бундан ҳам кўпроқ – бозорда маълум миқдорда хабардорлик, обрў-эътибор, машхурлик ва ҳоказоларни яратувчи маркетинг воситалари сифатида қайдилар.

Рус олимлари, хусусан, Е.П. Голубков «савдо белгиси», «товар макаси» ва «брэнд» тушунчаларини бир ҳил тушунча сифатида қарамайди. Унинг фикрича брэнд – бу маҳсулотни аниқлаш ва уни рақобатчилардан фарқлаш учун мўлжалланган ном, атама, белги, белги, чизма ёки уларнинг комбинацияси эканлигини таъкидлайди.

Брэнд – бу маълум бир гуруҳ одамларга маълум бўлган ва уларнинг хотирасида ҳақиқий ёки хаёлий нарсаларга ўхшаш маълумотлар ва шунга ўхшаш муносабатларни уйғотадиган қимматли тижорат белгиси ёки белгилар йиғиндиси⁶ эканлиги Буланов А. В. Томонидан эътироф этилади.

Хорижий муаллифлар, масалан, Т. Гад ўзининг “4D Брэндинг” китобида брэндни таърифлашга ҳуқуқий мақомга аҳамият қаратади, унинг фикрича “Товар белгиси – бу эгалик белгиси, кафилликка ўхшаш нарса. Савдо белгиси бутун умр давомида компания ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатга олиниши ва унга тегишли бўлиши мумкин.”⁷ “Товар белгиси” ва “брэнд” тушунчалари ўрр тасидаги фарқ мавжудлигини тан олади ва тадбиркорлар уни деярли фарқ қилмаслигини тушуниради.

Ф. Котлер брэндга қуйидаги таърифни

берди: “Брэнд – бутаркибий қисмларнинг номи, хусусияти, белгиси, чизмаси ёки комбинацияси бўлиб, унинг мақсади маълум бир ишлаб чиқарувчилар гуруҳига тегишли бўлган товар ёки хизматларни аниқлаш ва уларни рақобатчиларнидан фарқлашдан иборат.” Бизнеснинг ривожланиши билан брэнд ҳақидаги қарашлар ҳам ўзгарди. Р. Кочнинг кейинги таърифини келтирамиз: “Брэнд – бу ташкилот маҳсулоти ёки хизматига берилган ва уни рақобатдош маҳсулотлардан ажратиб турадиган ва истеъмолчиларни маҳсулот сифати юқори бўлишини кафолатлайдиган визуал белги ва (ёки) номдир”⁸

Умуман олганда замонавий шароитда брэнд кўплаб ишлаб чиқарувчиларнинг жуда юқори бўлган тўйинган бозорда бир хил турдаги товарларни ишлаб чиқарадиган ва ахборот бозорида маҳсулотни фарқлаш учун кучли бизнес воситасига айланган. Шунингдек, брэнд истеъмолчилар билаш ишлаш бўйича психологик воситага айланган. С.Креинер ва Д. Диравнинг фикрича, «брэнд нафақат жисмоний танага, балки мутлақо маълум психологик хусусиятларга ҳам эга” эканлиги таъкидлайди.

Таҳлил ва натижалар

«Брэнд стратегияси» – бу муваффақиятли брэндни ривожлантиришнинг учун зарур ваосита ва элементилар тўпламидир. Брэнд компаниянинг умумий бизнес стратегияси ва бозордаги жойлашувига мос келувчи дастурлардир. У бошқа барча маркетинг ва коммуникация дастурларига интеграцияланган бўлиши керак. Брэнд учун мақсадлар белгиланади ва брэнд учун инвестиция режаси тузилади. Жойлаштириш ёки ўзгариши мувваффиятли брэнд стратегиясининг асосидир.

Брэнд стратегияси – бу рақобатчиларга нисбатан барқарор рақобатдош устунликни яратиш ва қўллаб-қувватлаш учун брэндинг йўналиши ва қўламини узоқ муддатда белгилайдиган режадир. Ван Гелдер таъкидлашича, брэнд стратегияси стратегик изчилликни таъминлаш учун бизнес стратегиясини тўғри тушунишдан бошланади.⁹ Брэнд страте-

⁵ K. L. Keller, “Strategic Brand Management: Building, Measuring and Managing Brand Equity” (Global ed, 2013). Google Scholar

⁶ Буланов А. В. Брэнд 2.0. От философии к практике. М., 2013. – С. 46.

⁷ Гэд Т. 4D брэндинг: взламывая корпоративный код сетевой экономики. СПб., 2005. С. 17.

⁸ Cox P. Менеджмент и финансы от А до Я. СПб., 1999.

⁹ Van Gelder, S. (2003) Global Brand Strategy: Unlocking Brand Potential Across Countries, Cultures and Markets. London: Kogan Page.

тегиясининг мақсади бренднинг ички ва ташқи имкониятларини оширишdir.¹⁰ Бренд стратегияси бренд миссияси, товар жойлашуви, товар қийматини таклиф қилиш, бренд ваъдаси ва бренд шахсияти сифатида қурилиш блокларидан фойдаланган ҳолда бренд, бренд қадриятлари ва бренд ассоциацияларига асосланади.¹¹ Аакер фикрига кўра, бренд стратегияси бизнес стратегияси, корпоратив қарашлар ва маданиятга мос келиши керак.¹² Унинг фикрича кучли брендни яратиш учун ташкилотлар эришишга интилиши керак бўлган тўртта вазифани тавсифлайди: 1) кенг қамровли ташкилий тузилмани ва самарали бренд ташкилотини яратиш учун пухта жараёнларни ишлаб чиқиш, 2) аниқ бренд идентификаторини яратиш ва бренд(лар)ни тегишли бозорлардаги рақобатчилардан фарқлаш учун уни позицияси, 3) стратегик бренд йўналишини бошқариш ва ривожлантириш учун бренд архитектурасини яратиш. 4) Бренд яратиш бўйича самарали дастурларни режалаштириш, яратиш, иш-

лаб чиқиш, амалга ошириш, бажариш ва мониторинг қилиш учун бренд яратиш дастурларини яратиш.

Корхоналарнинг бозор фаолиятига самарали ишлаб чиқилган бренд стратегияларини юқори таъсир кучига эга эканлиги асословчи кўплаб илмий мақолаларни учратиш мумкин.¹³ Бироқ, бренд нима эканлигини тушуниш учун иккита ёндашув мавжуд. Интеллектуал мулк масалаларини ҳал қилувчи адвокатлар фақат бренднинг “логотип” ва “ном” асосига қуради. Бироқ, бренд бошқарувидан бренд ҳар томондан, товарнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлайди. Оксфорд маркетинг луғатида “брэндни дизайннинг ноёб комбинацияси”¹⁴ деб таърифланган. Брендлардаги энг қизиқарли нарсалардан бири шундаки, бу нафақат турли хил афзаликларга, балки унинг атрофида барча манфаатдор томонлар учун ҳам турли хил имкониятлар тақдим этади. Тақдим этиладиган авфзаликлар икки гурӯхга ажратилиши мақчадга мувофиқдир (1-жадвал).

1-жадвал

Асосий ва қўшимча манфаатдор томонлар учун бренднинг афзаликлари¹⁴

| Манфатдор томонлар | Афзаликлари |
|----------------------------|--|
| Асосий манфаатдор томонлар | |
| Мижозлар | Брендлар одамларни ахборот оқимида бошқаради, яхши маҳсулотларни тезда топишга ёрдам беради. Брендли маҳсулотлар уни сотиб олганларга фахрланиши мумкин бўлган мақомини беради. |
| Корхоналар | Бренд рақобатбардош устунликни яратади ва компания капиталига таъсир қиласди, натижада катта фойда келтиради. Бундан ташқари, бренднинг мавжудлиги фирмага ўзининг янги маҳсулотларини арzonроқ нархларда бозорга чиқаришга ёрдам беради. |
| Инвесторлар | Бренд пулни инвестиция қилиш тўғрисида қарор қабул қилишни осонлаштиради. Бундан ташқари, агар компания кучли ва барқарор брендга эга бўлса, у ҳатто инвесторларнинг ушбу компанияга пул сарфлаш истагини уйғотиши мумкин. Бренд компанияга узоқ муддатли фойда келтиради, бу эса инвесторларнинг ишончини оширади |

¹⁰ Heding, T., Knudtzen, C. F., & Bjerre, M. (2008). Brand management: Research, theory and practice. Routledge.

¹¹ Kotler, P. and Pfoertsch, W. (2006) B2B Brand Management. Berlin: Springer.

¹² Aaker, D. (2014). Aaker on Branding: 20 Principles That Drive Success. Morgan James Publishing

¹³ Xie, Y. H. (2012). Foreign Firms' brand extensions in a host market: strategic factors in international branding strategy. Journal of Marketing Theory and Practice, 20 (1), 105–118

¹⁴ Mathur, U. C. (2008). International marketing management: text and cases. London: Sage; Hankinson, G. (2012). The measurement of brand orientation, its performance impact, and the role of leadership in the context of destination branding: An exploratory study. Journal of Marketing Management, 28, 974-999; Aaker, D. A. (1996). Building strong brands. New York;

| | | |
|------------------------------------|----|---|
| Менежерлар ходимлар | ва | Компания бренді бундай кучли брендге эга бўлмаган бошқа компанияларга қараганда иш ҳақи паст бўлса ҳам, ходимларнинг ушбу компанияда ишлаш мативини оширади. Компаниянинг барқарор бренд ишчилар учун барқарор келажакни яратади. Менежерлар ва ходимлар таниқли бренд остида ишлашдан фахрланадилар ва бу уларга жамиятда юқори мавқега эга эканлигига ишонишади |
| Маҳаллий жамоалар | | Таниқли брендларга эга компаниялар маҳаллий ҳамжамият учун жозибадор иш ўринларини яратади ва компаниянинг хорижий харидорлар назарида яхши обрўга эга бўлишига ёрдам беради. |
| Қўшимча манфаатдор томонлар | | |
| Давлат | | Таниқли брендларга эга бўлган кампанияларга эга бўлган мамлакатлар нуфузи юқори бўлади. Ушбу мамлакатларга инвесторлар қизиқиши юқори бўлади ва иқтисодий-ижтимоий хаётга доимий ижобий таъсирини ўтказиб беради |
| Жамият | | Брендга эга бўлган компаниялар жамият учун қадриятларни яратиб, юқори сифатитоварлар ишлаб чиқардилар, чунки одамлар сифатли маҳсулотларни нархи бошқалардан юқори бўлса ҳам қадрлашади. |
| Касаба уюшмалари | | Касаба уюшмалари яхши брендга эга компания раҳбарияти билан музокаралар осон кечиши ва ишчилар учун яхши шароитларни келишиб олиш имконияти мавжудлигига ишонишади. |
| Оммавий ахборот воситалари | | Таниқли бренднинг мавжудлиги реклама самарадорлигини оширади ва реклама самарадорлигини ошириш орқали коммуникация харажатларини камайтиради. |
| Савдо ташкилотлари | | Савдо кампаниялари бренд маҳсулотларни қийналмай сотиш имкониятига эга. Улар бренд маҳсулотлар бўйича қўшимча маркетинг харажатларини қилмайдилар |
| Рақобатчилар | | Бренд кампаниялар каби кучли брендга эга бўлмаган компаниялар янада яхшироқ бўлишга ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга интилишни рағбатлантиради. |

Умуман олганда бренд жуда муҳим маркетинг воситаси ва унга корхоналар ўзининг маркетинг фаолиятида юқори аҳамият қаратишни тақозо этади. Бироқ, буларнинг барчаси брендкучливабарқарор бўлсагина таъсир қиласи. Бундан ташқари, ушбу бренднинг барча афзалликлари бренднинг капитали ва қийматини яратади, бу эса мижозларнинг содиқлигига олиб келади.¹⁵

Хулоса

Юқоридагилар билан бирга брендлар нафақат компанияга машҳурлик, балки қўшимча қийматни оширишга ёрдам беради ва компания бюджетига кўпроқ пул пушумини

таъминлайди. Кучли бренд компанияни инвесторлар қизиқишини ошириб, қўшимча молиявий имкониятларни кенгайтиради ва улар учун янада жозибадор қиласи. Бундан ташқари, кўплаб компаниялар қўшимча даромад олиш учун таниқли брендлар эгалари билан лицензия шартномаси тузадилар. Бу машҳур брендларнинг рамзлари бўлган баъзи маҳсулотларни, масалан, турли логотипли футболкаларни яратиш имкониятини беради. Шундай қилиб, лицензиялаш бренд компания ва ҳамкор компания учун савдо ҳажмини деярли ошишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабитёлар рўйхати

- Kapferer, J. N. (2012), The New Strategic Brand Management: Advanced Insights and Strategic Thinking, Kogan Page, London

¹⁵ Kotler, F., Pfoertsch, W. (2006). B2B Brand Management. First Edition, Springer. Heidelberg / New York.

2. Rao, V., R., Agarwal, M. K., Dahlhoff D. (2003). Branding strategy and the intangible value of the firm. MSI reports, 135-157
3. Strebinger, A. (2014). Rethinking brand architecture: a study on industry, company- and product-level drivers of branding strategy. European Journal of Marketing, Vol. 48
4. Hennigs, N., Wiedmann, K. P., Behrens, S., Klarmann, C., Carduck, J. (2013). Brand extensions: A successful strategy in luxury fashion branding? Assessing consumers' implicit associations. Journal of Fashion Marketing and Management, 17 (4), 390-402
5. K. L. Keller, "Strategic Brand Management: Building, Measuring and Managing Brand Equity" (Global ed, 2013). Google Scholar
6. Буланов А. В. Бренд 2.0. От философии к практике. М., 2013. – С. 46.
7. Гэд Т. 4D брендинг: взламывая корпоративный код сетевой экономики. СПб., 2005. С. 17.
8. Cox P. Менеджмент и финансы от А до Я. СПб., 1999.
9. Van Gelder, S. (2003) Global Brand Strategy: Unlocking Brand Potential Across Countries, Cultures and Markets. London: Kogan Page.
10. Hedging, T., Knudtzen, C. F., & Bjerre, M. (2008). Brand management: Research, theory and practice. Routledge.
11. Kotler, P. and Pfoertsch, W. (2006) B2B Brand Management. Berlin: Springer.
12. Aaker, D. (2014). Aaker on Branding: 20 Principles That Drive Success. Morgan James Publishing
13. Xie, Y. H. (2012). Foreign Firms' brand extensions in a host market: strategic factors in international branding strategy. Journal of Marketing Theory and Practice, 20 (1), 105–118
14. Doyle, C. (2011). A Dictionary of Marketing, 3ed. Oxford University Press
15. Mathur, U. C. (2008). International marketing management: text and cases. London: Sage; Hankinson, G. (2012). The measurement of brand orientation, its performance impact, and the role of leadership in the context of destination branding: An exploratory study. Journal of Marketing Management, 28, 974-999; Aaker, D. A. (1996). Building strong brands. New York;
16. Kotler, F., Pfoertsch, W. (2006). B2B Brand Management. First Edition, Springer. Heidelberg / New York.

ЎЗБЕКИСТОНДА БРЕНДНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИ ВА МУАММОЛАР ТАХЛИЛИ

Бобоёрова Мафтуна Ҳаққул қизи –
Маркетинг кафедраси асистенти,
ТДИУ тадқиқотичиси

Эшматов Санжар Азимқулович –
Ph.D, "Ҳалқаро туризм" факультети декани мувонини,
ТДИУ тадқиқотичиси

Аннотация. Мақолада корхона фаолияти самарадорлигини тезкор аниқлаш, унинг соҳа ёки иқтисодий худуддаги ўрнини билиш, улардаги мавжуд товар белгиларини баҳолашдаги фойдаланиладиган асосий методларнинг турлари ва хусусиятлари ёритилган.

В статье рассматриваются вопросы оперативного определения эффективности компаний в целом, а также уточнение её места в отрасли и региональной экономики, а также основные методы оценки товарных знаков.

The article deals with the operational determination of the effectiveness of the company as a whole, as clarification of its place in the industry and the regional economy, as well as the main methods for evaluating trademarks.

Калит сўзлар: брендни баҳолаш, баҳолаш методлари, самарадорликни аниқлаш, маркетинг, истеъмол.,